

ҲАРБИЙ ЖАМОАЛАРДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАНИШИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ

Зулунов Мухаммадзар Зокиржон ўғли

Миллий гвардия фаолиятини психологик таъминлаш маркази катта офицери.

Психологик тадқиқотларда суицидал уринишга айнан қайси нотўғри тарбиявий таъсир ёки девиант хулқ кўринишлари сабаб бўлганлиги тўлиқ аниқланмаган. Шу боис суицидал фаоллик ривожланиш хавфи мавжуд ҳарбий жамоаларга тааллукли бўлган педагогик-психологик коррекцион дастурлар комплекси ишлаб чиқилиши зарур. Бу дастурлар суицидентларнинг ўз хулқ-атворини назорат қилишга кўмаклашиш, муқобил ижтимоий муҳит билан алоқасини тиклаш ва ривожлантиришнинг педагогик-психологик усул ва воситаларини аниқлашга қаратилса мақсадга мувофиқ.

Суицидал хулқ-атвор деганда ўзининг устивор эҳтиёжларини қондириш йўлида тўсиқлар учраганда шахсда юзага келадиган ички инқизозни ечиш воситасига айланадиган ўз жонига қасд қилиш каби кишилар фаоллиги назарда тутилади. Тадқиқотчилар томонидан аутодеструктив (ўзини ўзи маҳкум этувчи) хулқ тарзида кўрилиб, унинг белгиси сифатида ўз шахси ва саломатлигини онгли равищда бузиш тенденцияси намоён бўлади.

Р.Ф.Баумеистер, С.Ж.Счерлар аутодеструктив хулқнинг уч типини кўрсатиб ўтишади:

Бирламчи аутодеструкция: индивид ўзига зарар етказишга уринади ва онгли равищда уни амалга оширади. Бундай хулқ асосини инсондаги кучли салбий эмоциялар ташкил этиб, ўзининг камчиликларига диққатнинг қаратилиши туфайли, ўзига нисбатан салбий муносабатни шакллантиради.

Иккиламчи аутодеструкция: хулқ паттерннинг қарама-қарши томони сифатида самарасиз стратегия: инсонлар эзгу мақсадларга интилишади, аммо самарасиз стратегияни қўллаган ҳолда ўзларига зиён-захмат етказишга уринади.

Учламчи аутодеструкция: Аутодеструктив паттерннинг учинчи типида инсон ўзаро бир-бирини истисно этувчи икки мақсадни кўзлайди. Бир неча қарама-қарши мақсадлар доирасидан бирини танлаш, унга сарфланган ҳаракатлар ижобий натижалардан юқори бўлиб, фикрларда хатоликлар мавжуд эканлигидан дарак беради.





Олиб бориладиган психопро-филактик тадбирларда ҳарбий хизматчиларни унинг атрофидаги шахсларнинг салбий таъсирларидан сақлаш мақсадида психологик-педагогик ҳамда ижтимоий кўмак беришда қаратилган, яъни:

- а) оила, маҳалла, жамоа, таниш-билиш, қариндош-уруғлар, дўстлари;
- б) ҳарбий хизматчиларнинг шахслараро муносабатлари асосий қирраларига таъсир қилувчи таълим ва тарбия шароитларини оптималлаштиришдан иборат.

Демак, психопрофилактиканинг асосий мақсади-ҳарбийларда суицидал уринишлар содир этилишига олиб келувчи салбий ижтимоий-психологик, педагогик омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишининг коррекцион тарбиявий тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Шахсларда суицидал уринишларининг маҳсус профилактикаси куйидагиларни қамраб олади:

- суицидал муаммолар тўғрисидаги миш-мишларни тарқатиб юбориш;
- суицидал фаоллигини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик вазиятларни тадқиқ этиш;
- суицидал хавф даражаси юқори бўлган ўсмирлар билан коррекцион тарбиявий ишларни амалга ошириш, улар билан доимий муроқот ўрнатиш, муаммоларни ҳамкорликда муҳокама қилиш;
- суицидал фикрларни вужудга келтириш эҳтимоли мавжуд оммавий ахборот воситалари манбаларини таҳрир қилиш;
- командир ва бошлиқларнинг тазиёки;
- вербал-ўлим истаги ҳақида билдиримоқ (тўғридан-тўғри-масалан, “яшашни хохламайман”, билвосита-масалан, “мен ухлашни ва қайта уйғонмасликни истайман”).
- миллий урф одатлар, анъаналар, маросимлар, қизиқарли, кўнгил очар дастурларнинг суицидал хулқ-атворли ўсмирлар билан ўтказиладиган психопрофилактик тадбирлар режаларига киритилиши, уларнинг атрофидаги инсонлар билан ижтимоий алоқалар ўрнатишлари, суицидал фаолликка олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий дезадаптация ҳолатларини бартараф этиш имконини беради.
- новербал (ҳаракатли). Суициднинг сўнгги тайёргарлигини амалга ошириш кўп ҳолларда узр сўраш, юридик ҳужжатларни тайёрлашни ёки ҳар қандай шахсий мулкни, масалан, севимли китоблар ёки маркалар коллекциясини совға қилишни ўзида акс эттиради.

- 
- вазиятли - аниқ бир вазиятдан келиб чиқсан ҳолатларда амалга ошади (ота-онанинг ажралиши, оилада, тенгдошлари орасидаги ўткир ёки сурункали низолар, яқин кишисининг ўлими, жинсий зўравонлик, оиладаги молиявий инқироз ва ҳ.к).
 - психологик бузилишлар (депрессия, шизофрения ва ш.к.), соматик касалликлар (онкологик ва ш.к.) ёки психик ҳолатидан келиб чиқади (алкоголь, гиёхванд моддалар ва ш.к.).

Жуда кўп ҳарбий хизматчиларда суицидга алоқадор фикрлар хизматгача бўлган даврда туғилган бўлиб, ҳарбий хизматдаги қийинчиликлар ушбу фикрларни амалга оширишга туртки вазифасини ўтайди, холос. Кичик ёшдаги кишиларда суицидал хатти-харакатлар қийин вазиятлар таъсирида пайдо бўлади. Суицид олди ҳолатлари бир неча соатдан бир неча қунгача давом этади.

Жанговар вазиятларда ҳар қунги хавф-хатар таъсирида баъзи бир ҳарбий хизматчиларда ҳаётни қадрлаш туйғуси заифлашади, шунингдек, хавф-хатарни ҳис қилиш пасаяди (ўтмаслашади). Ўзини сақлаш инстинкти заифлашади, бу эса суицидал фикрларнинг амалга ошишини енгиллаштиради. Уруш вақтида баъзи аскарларнинг ўзларини ўлимга олиб келувчи қалтис ҳаракат қилишларини шу билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, уруш шахсда агресивликни, шафқатсизликни (душманга нисбатан) тарбиялайди. Улардаги ушба сифатлар муаммоли вазиятларда атрофдаги кишиларга ҳам қаратилиши мумкин.

Ҳарбий фаолият билан боғлиқ бўлган соҳаларда хизмат олиб бораётган шахслар учун психологик билимларни эгаллаш мухим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, кейинги 10 йилларда ҳарбий соҳаларда ҳам суицидал муаммолар кўпайиб бораётганлиги бунинг асосий сабаби бўлиб келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ўлим сабабларига кўра суицид юрак қон томир, онкологик ва травматизмдан кейин 4-ўринни эгаллаши ташвишли ҳолатдир. Ҳар йили дунё аҳолисиинг миллионга яқин кишиси ўз жонига қасд қиласди. Натижада буларнинг 80% ўлим билан якунланади.

Ҳарбий хизмат шароитида амалга ошириладиган суицидал хаттиҳаракатларнинг 80 фоизи муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан амалга оширилади. Уларнинг 2/3 қисми эса хизматнинг биринчи ярмини ўтаётган аскар ва сержантлар ҳиссасига тўғри келади. Шуни айтиб ўтиш

керакки, ўқ отиши қуроллари воситасида амалга оширилаётган суицидлар сони йилдан- йилга ошиб бормоқда. Уларнинг 75 фоизи эса бевосита постларда ёки қоровуллик хизматини ўташ жараёнида амалга оширилмоқда.

Ҳарбий хизматчилар томонидан суицид ҳодисаларининг содир этилишида алкоголи ичимликлар ичиш ҳам катта рол ўйнайди. Инсон спиртли ичимликлар истеъмол қилганда ўзини ўлдириш ҳақидаги фикрларнинг келиши осонлашади. Жами суицид ҳодисаларининг 2/3 қисми шахсий таркиб билан тарбиявий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги оқибатида юз бермоқда. Суицидга интилган ҳарбий хизматчиларнинг 50 фоизи жамоатчилик тадбирларида умуман иштирок этмас экан. Демак, аскарларни жамоатчилик ишларига фаолроқ жалб қилиш йўли билан ҳам суициднинг олдини олиш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг орасида норасмий лидерларни аниқлаб, уларни жиловлаш, тазиик ва зўравонликни олдини олиш, командир ва бошлиқлар томонидан қўл остидаги шахсий таркибни назорат қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, асосан, оиласавий шарт-шароитларини ўрганиш, консультатив машғулотларни йўлга қўйиш яхши самара беради.

Шахсий муаммоларга дуч келган ҳарбий хизматчиларни аниқлаб, ҳарбий жамоалар ёрдамида муаммосига ечим топишга ишонтириш, бир оила эканлиги, ушбу ҳарбий хизматчи керак эканлигини, жамиятда ўз ўрнига эга эканлигини сингдириш, ўзининг ёнида фарзандлари ва туруш ўртоқлари, умуман оиласавий расмларини олиб юришни маслаҳат бериш, ойлик маошларини тўгри тақсимлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш зарур.

Тарбиявий-профлактик тадбирларда диний ва дунёвий мисоллардан келтирган ҳолда, малакали мутахассис-психологларни, суицидологларни, диний идора вакилларини жалб қилган ҳолда давра сұхбатларини, психологик тренинглар, ижтимоий роликлар, спорт ўйинларини ва мусобақаларни ташкил қилиш лозим.